

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**



**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

II қисм

21-22 май, 2020 йил

Самарқанд – 2020

3,0 млн унувчан уруғ/га назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан 3,0 млн унувчан уруғ/га ва N₂₁₀ P₁₅₈ K₁₀₅ қўлланилган пайкалда бошоқ узунлиги 3,4 см га, бошоқдаги бошоқчалар сони 7,1 донагача, бошоқдаги дон сони 10 донага битта бошоқдаги дон массаси 1,01 г гача ошиб борди.

6,0 млн унувчан уруғ/га ва турли хил меъёрларда қўлланилган пайкалларда бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони, бошоқдаги дон сони, битта бошоқдаги дон массаси 3,0 ва 4,5 млн унувчан уруғларга нисбатан қўлланилган пайкалларга нисбатан пасайиш кузатилди. Бунга сабаб бўлиб кўчат сонининг кўплиги ва озуқа майдонининг кам бўлиши билан ифодаланди.

Энг яхши кўрсаткич 3,0 млн унувчан уруғ/га ва N₂₁₀ P₁₅₈ K₁₀₅ қўлланилган пайкалда кузатилди, бошоқ узунлиги ўртача 9.9 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 20,0 дона, бошоқдаги дон сони 49 дона, битта бошоқдаги дон массаси ўртача 2,20 г ни ташкил этди.

Кузги бугдой ҳосилдорлиги навнинг биологик хусусиятларига, тупроқ иқлим шароити, сув, ёруғлик, озуқа режимига ва қўлланиладиган агро тадбирларга боғлиқ. Кузги бугдой етиштиришда ташқи муҳит омили ёки қўлланилган агротехнология ҳосилдорликка ёки дон сифатига кучли таъсир кўрсатади. Навларнинг биологик хусусиятларига мос етиштириш технологияси қўлланилганда юқори ва сифатли дон етиштириш мумкин. Қўлланилган етиштириш технологияси кузги бугдой ориногенезнинг босқичларида унинг ҳаётий омилларига бўлган талабини оптимал даражада кондириши талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда Зарафшон водийси шароитида суғориладиган ерларда кузги каттиқ бугдойнинг интенсив типидagi Истиклол-25 нави учун юқори ҳосил ва сифатли уруғ олишда, экиш меъёри 4,5 млн унувчан уруғ/га ва ўғит меъёри NPK 180:135:90 кг/га қўллаш ижобий самара бериши билан бир каторда, ғаллачиликда юқори иктисодий рентабелликка эришишни таъминлайди.

Адабиетлар

1. Халилов Н.// Суғориладиган ерларда кузги бугдойдан экологик тоза маҳсулот етиштириш технологияси. Суғориладиган ерларда кишлоқ хужалик экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясининг муаммолари. Республика илмий конференцияси. Самарканд 2006 йил. 122-123 бетлар

2. Халилов Н.// Влияние способов, нормы и сроков посева на урожайность и качество зерно озимой пшеницы. J: “The way of science” №6(40), 2017 year. P.41-43

3. Қобилов И., Омонов А., Отабоев Ғ. ва бошқалар. Ғалла донли экинларни етиштириш технологияси. – Тошкент: 2000. – 21 б.

УДК. 631.84: 633.11

КУЗГИ БУГДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ҲОСИЛ СИФАТИГА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Б.К.Шониёзов, Ф.Очилов, Ж.Равшанов, У.Усмонов

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Аннотация. Азотли ўғитларнинг кузги бугдой ўсув даври давомида ўз вақтида мақбул муддатлар ва усуллар бўйича қўлланилиши кузги бугдойнинг ўсиш, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига ижобий таъсир қилади. Азотли ўғитларни кузги бугдой ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: азотли, фосфор, калий ўғитлар, ҳосилдорлик, маҳсулот сифати, тушлаш, найчалаш, бошоқлаш

Кириш. Ҳозирги пайтда бугдой Ўзбекистонда энг асосий кишлоқ хўжалик экинлардан бири бўлиб турибди. Уларнинг ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти миқдорини йилдан-йилга ошириш замон талабига айланган. Кўпгина илмий тадқиқот

натижаларига қараганда, азотли ўғитлар қўллаганда кузги буғдой ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати яхши бўлади. Азотли ўғитларнинг кузги буғдой ўсув даври давомида ўз вақтида мақбул муддатлар ва усуллар бўйича қўлланилиши кузги буғдойнинг ўсиш, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига ижобий таъсир қилади. Энг асосийси клейковина миқдори кескин оширади. Кузги буғдойни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширишда азотли ўғитларнинг ўрни бекиёсдир.

Чунки азот элементи кузги буғдой учун энг муҳим омиллардан бири бўлиб, кузги буғдой ўсиши ва ривожланишида бевосита иштирок этади.

Илмий тажрибалардан аниқ бўлишича, азотли ўғитларни қўллаганда мўл ҳосил ва сифатли маҳсулот олиш мушкул. Азот элементи ўсимликлар учун асосий озик элемент ҳисобланиб, кўпчилик органик моддалар (оксил, нуклен кислоталари, хлорофилл, алколлоидлар, витаминлар ва бошқа органик моддалар) тўпланишида иштирок этади.

Материаллар ва методлар: Тажрибаларимизда тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоятида кенг тарқалган типик бўз тупроқлар кузги буғдойнинг “Тания” нави 180,200,220,240 кг/га азот ва 120 кг/га фосфор калийнинг 90 кг/га фонида меъёрлари олинди.

Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани типик бўз тупроқлари шароитида 2018-2019 йилардан бери ўтказилиб келинмоқда. Гурунт сувларининг сатхи 8-10 м чуқурликда жойлашган бўлиб, тупроқнинг механик таркиби ўртача енгил қумоқ ва қумлоқ тупроқ. Тажрибада ҳар бир пайкалча майдони 450 м², шундан ҳисобга олингани 225 м², вариантлар бир ярусда сеҳематик равишда жойлаштирилиб, тўрт такрорликда ўтказилиб, илмий тадқиқот ишлари Республикамиздаги илмий-тадқиқот муассасаларининг услубий қўлланмалари ва тавсиялари бўйича олиб борилди.

Тажриба даласида фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёрининг (100 кг/га P₂O₅) - 80% шудгор остига қолган 20 % кузги буғдой уруғларини экиш билан бир вақтда, калийнинг барча йиллик меъёри (60-180 кг/га K₂O) шудгор остига азотли ўғитларнинг йиллик меъёри (180 кг/га N) тенг иккига бўлиниб, ўсимликнинг вегетация даврида (тупланиш ва найчалаш-бошоқлаш) берилди. Тажриба даласи тупроқларининг агрохимёвий ва агрофизикавий хоссалари бўйича кузги буғдой уруғларининг унувчанлиги, совуққа бардошлик даражаси, майсаларнинг куз-қиш-бахорги давирларда зарарланиши ва сийраклашиши, қишлашгача ва қишлашдан кейинги туп сони, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда бошқа фенологик кузатишлар ва беометрик ўлчамлар услубий қўлланмалари асосида амалга оширилди.

Кузги буғдойни минерал ўғитлар билан озиклантиришда азот асосий ўринни эгаллайди. Шу боис, деҳқончиликда экинлардан юқори ҳосил олишда азотли ўғитлар дастлабки зарур омил ҳисобланади. Азот кузги буғдойнинг барча ўсиш ва ривожланиш жараёнларида иштирок этиб, ўсув даври охиригача уни ҳар хил миқдорда ўзлаштириб туради. Шунинг учун ҳам минерал ўғитлардан фойдаланиш даражаси доимо бир хилда булавермайди. Улар тупроқ ва иқлим шароити, минерал ўғит меъёрлари, ўсимликларнинг тур ва нави, кўчат қалинлиги ҳамда бошқа агротехник тадбирларга боғлиқ бўлади ва улар ўзгариб туради (Стулин, Кизяков, 1978; Вольфкович, 1979).

Қишда ва эрта баҳорда униб чиққан ғалладан юқори ҳосил олиш учун майсаларни N билан 60-70 кг/га меъёрда озиклантириш талаб этилади. Ўғитлашни туплашгача ва туплаш даврида ўтказган маъқул. Кейинги озиклантиришда шу миқдордаги азот найчалашгача берилади. Шу билан биргаликда бошқа агротадбирлар амалга оширилишига алоҳида аҳамият бериш зарур (Отабоев, 1996).

Республикамизда дон ҳосилдорлигини ошириш борасида Б.Д.Азимов ва Г.О.Отабоевлар (1996) галлакорларга маслаҳат сифатида, бошқа агротехник тадбирлар билан бир каторда, қуйидагиларни тавсия қиладилар. Юқори ҳосил олиш учун 160-180 кг/га N, 90-100 кг/га P ва 60 кг/га K солиниши керак. Бунда фосфорли ва калийли ўғитларнинг тўлиқ меъёри ерни хайдаш олдидан, экиш олдидан ишлов бериш вақтида

ёки экиш билан бир вақтда берилади. Азотли ўғитларни ўсимлик ўсиш даврида, яъни биринчи озиклантириш - тўла туплаганда (60-65 кг/га) ва иккинчи озиклантириш - ўсимлик найчалаш даврида (70-80 кг/га) солинади.

Азотли ўғитларни мақбул меъёрини аниқлаб, кузги бугдойдан юқори ҳосил олиш мақсадида, Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги Ўзбекистон-Ирландия Элита қўшма корхонасининг тажриба даласида Р-150, К-100 кг/га асосида 100, 150, 200, 250, 300, 350 кг/га N ишлатилганда, 200-250 кг/га N қулланганда энг юқори 63,0-64,0 ц/га дон ҳосили олинган (Хужакулов ва бошқалар, 1998).

Р.Сиддиқовнинг (2006) тавсиясига кўра, азотни кузги бугдойни эрта баҳорда кундалик ўртача ҳарорат +4 ва +5⁰С, бугдой майсаларнинг қўзғалиш муддатига яқин муддатда солиниш лозим. Бериладиган азотли ўғит миқдори ўтмишдош экинлар турига ва тупрокнинг ҳайдов қатламидаги нитратли азот миқдорида ҳамда навнинг минерал ўғитларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур. Агар кузги бугдой дуккакли экинлардан кейин экилган бўлса 35-40 кг/га N, бошоқли экинлардан кейин 50-65 кг/га N, кунгабокар, маккажўхори ва ғўзадан кейин экилган майдонларга 75-80 кг/га соф ҳолда азот берилиши яхши натижа беради.

Самарқанд вилояти Жомбой тумани шароитида тарқалган бўз, ўтлоқ-бўз ва ўтлоқ тупроқлар шароитида охириги йилларда деҳқонлар кузги бугдой етиштиришда маълум ютуқларга эришган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг олимлари (Д.Н.Кгучков, 1955; С.А.Агишева, 1963; П.У.Узоқов, 1966; Ф.Х.Хошимов, 1990) ва бошқалар тажрибаларида бу масалалар аниқланган. Жомбой туманида тупроқ таркибида карбонатлар айниқса магний карбонатлар миқдори кўплиги ва сув режимини ўзига хос эканлиги туфайли тупроқда замбуруғлар ва микроорганизмлар ривожланиши бошқа ҳудуддан фарқланиб туради.

Натижалар ва уларни тахлили: Кузги бугдойни азотли ўғитларга нисбатан жуда ҳам талабчан ўсимлик ҳисобланади. Тупроқ озик режимининг кескин яхшиланиши унинг дон ҳосилдорлигини кескин оширади ва тупроқдан ортиқча озик моддалари олиб чиқиб кетишини камайтиради. Агар кузги бугдой минерал ўғитлар билан етарли даражада озиклантирилмаса тупроқдан катта миқдорда озик моддаларини олиб чиқиб кетади ва бу ҳолат тупроқ унумдорлигини йўқолишига сабаб бўлади. Назорат вариантыда кузги бугдой ҳосилдорлиги энг паст бўлди. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг қўлланилиши кузги бугдойни дон ҳосилдорлигини сезиларли оширди. Ўсимликнинг дон ҳосилдорлиги айниқса азот, фосфор ва калийли ўғитлар биргаликда қўлланилган вариантларда кескин ошиши кузатилди. Азотли ўғитлар меъёрининг ортиб бориши натижасида ўсимлик дон ҳосилдорлиги ортиб борди.

Хулоса. Тажрибаларимиз натижасида дастлабки хулоса қилиб айтиш мумкинки азотли ўғитлар N₂₀₀ P₁₂₀ K₉₀ берилган вариантларда ўғитлардан азотни ўзлаштирилиши энг юқори кўрсаткичнини ташкил этди ва шу вариантда энг юқори ва иқтисодий жиҳатдан самарали ҳосилдорликка эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Халилов Н., Бобомирзаев П., Даминов С. Кузги бугдой етиштириш технологиясини шакллантириш шартлари. // ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 1998, №5, 35 - 37 б.
2. Хошимов Ф.Х., Назаров О.М. “ Ўғит қўллаш тизими ” фанидан маърузалар курси. Самарқанд. 2007. Б. 77
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. –Тошкент, 2007.-145 б.
4. Методы агрохимически, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах.-Тошкент, 1963.-438 б.

62.	Мустанов С., Умурзокова У. Нўхатнинг ҳосилдорлигини экиш муддатларига боғлиқлиги.....	175
63.	Джумаев М.М., Сувонова Г.А. Влияние сроков посева на корневую систему нута.....	178
64.	Кулдашов Б., Халилов Н. Соянинг маҳаллий ва хорижий навларини суғориладиган ерларда етиштириш технологияси.....	181
65.	Равшанова Н.А., Отаёрова Г.У., Усманова З.А. Урожайность маша а зависимости от агротехнических мероприятий.....	184
66.	Халилов Н., Косимова Ш.Ж. Маккажўхори дурагайлариини силос масса учун етиштириш.....	186
67.	Санаев С.Т., Рахматов И.И. Сабзавот (ширин) маккажўхори навларини такрорий экин сифатида ўстириш.....	189
68.	Санаев С.Т., Хонкулов Х.Х., Маматов Б.С. Сабзавот (ширин) маккажўхори уруғчилиги.....	191
69.	Каршиева У.Ш., Абдихаликова Б., Рахмонова Х. Кузги юмшоқ буғдой нав намуналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва дон ҳосилдорлиги кўрсаткичлари.....	193
70.	Халилов Н., Рахимов А.Р. Қаттиқ буғдой навларининг қишга чидамлигига экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларининг таъсири.....	196
71.	Бобоева Н.А, Хошимов Ф.Х. Коэффициент использования питательных веществ озимой пшеницей из удобрений.....	200
72.	Атамурадова М. Зарафшон водийси шароитида кузги буғдой уруғларнинг дала унвчанлигига экиш меъёрларини таъсири.....	202
73.	Ходжаева Н.Ж., Жўракулов Қ.Х., Рўзикулова З.У. Маҳаллий қаттиқ буғдойни Истиклол-25 нав намунаси ҳосилдорлигига экиш ва ўғит меъёрларининг таъсири.....	205
74.	Шониёзов Б.К., Очилов Ф., Равшанов Ж., Усмонов У. Кузги буғдой ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатида азотли ўғитларнинг таъсири.....	210
75.	Рахимов А.Р. Қаттиқ буғдой навларининг илдиз тизимини ривожланишига экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларининг таъсири.....	213
76.	Бобоева Н.А. Экономическая эффективность применения компостов на луговых почвах, засоленных карбонатами магния.....	216
77.	Ғайбуллаев Ғ.С., Тошкентбоева Ф.И. Коллекция кўчатзорида юмшоқ буғдой нав намуналарнинг ўсув даврини аниқлаш.....	217
78.	Shernazarov M.Y. Samarqand viloyati sharoitida arpaning ixtiyor navining unuvchanligiga ekish muddatlari va me'yorlarining ta'siri.....	221
79.	Ғайбуллаев Ғ.С., Болбеков М.А., Туйғунов Р.Б. Суғориладиган ерларида юмшоқ буғдой нав намуналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари.....	224
80.	Исмоилов В.И., Ҳамзаев А.Х. Турли ўғит меъёрлари ва экиш муддатларини кузги жавдарнинг бошоқ структураси ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсири.....	227
81.	Шерназаров М.Й., Алибоев Ш. Зарафшон водийси шароитида арпани мақбул муддатида экишнинг тахлилий натижалари.....	230
82.	Тошкентбоева Ф.И. Юмшоқ буғдой селекцияси учун эртапишар навларни танлаш.....	235
83.	Ҳошимов Ф.Х., Шониёзов Б.К., Усмонов У., Равшанов Ж. Кузги буғдойни эрозияга учраган тупроқлар шароитида ҳосилдорлигини ошириш йўллари.....	237
84.	Омонов А., Халилов Н. Тарик ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири.....	240
85.	Ғайбуллаев Ғ.С., Туйғунов Р.Б., Болбеков М.А. Суғориладиган ерларда бошланғич материал ичидан маҳсулдор ва ҳосилдор нав намуналарни	